

Бу умматнинг аёли нима учун олима бўлолмайди?



16:01 / 07.08.2020 3814

Баъзи сабабларга кўра «мужоҳид», «шайх» ва «муршид» каби васфлар аёлларга нисбатан қўлланилмайди. Гўёки бу сўзлар аёллар учун тақиқлангандек. Шундай бўлгани учун ҳам қизлар унга эришиш мақсадида унинг орқасидан югуришмайди, «Мен ҳам бир кун шундай бўламан», дейишмайди.

Айниқса, «олим» сўзи аёлга нисбатан жуда кам қўлланилади. Ажабо, олим деган таъриф аёлга ярашмайдими, деб сўрашингиз ҳам мумкин. Илоҳиётчи бўлиши мумкин. Аёл муҳандис, шифокор, сиёсатчи, бошлиқ, давлат хизматчиси бўлиши мумкин ва бўлди ҳам. Нима учун олима аёл бўлолмаслиги мумкин?

Агар бу умматнинг ичидан «олима аёл» кўплаб топилганида, бугунги қиёфамиз хунук бўлмаслиги аниқ эди. Аёллари илм билан қуролланган уммат билан аёлни олима бўлишидан узоқ кўрган уммат бир хил даражада бўлолмайди. Қизларимизнинг диний илм таҳсил олишларини ҳеч ким нотўғри деб билмайди. Чунки илоҳиётшунослик билан илм бир хил нарса эмас. Бир мансабни эгаллашни таъминлаган диплом билан Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг изини тутган кишининг қарашлари бир хил бўлмайди.

Бу умматнинг ичидан олима аёл чиқишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Ҳар бир инсон Аллоҳ бандаларига очган илм эшигидан кириши мумкин. Агар аёллар орасидан олимлар чиқмаётган бўлмаса, бу ҳолат эркакларнинг ота ва муаллим сифатида уларни бу мавқега муносиб деб билмасликлари

билан изоҳлаш мумкин. Бундай жавобгарликни фақат эркаклар зиммасига юклаш ҳам нотўғри.

Аёлларда ҳам илми ва олимликни қадрламаслик хатоси бор. Бунга сабаб қилиб аёлларнинг уч-тўрт кунлик меҳнати билан олим бўлишни исташидан бошлаб, турмуш қурганининг дастлабки куниданоқ илм билан хайрлашишдек бевафолигини айтиб ўтиш керак. Ҳаётини илмга бағишлаган аёлларимиз албатта бўлиши зарур. Ёш қизларимизнинг илм-фанга қизиқиши омманинг сарпо-суруққа бўлган ҳаяжонидан ўтиб кетиши зарур. Бу умматнинг қизи илм ва амалга бўлган ҳаяжони билан фарқланиб туриши керак.

Аёл олим бўлади. Аёл олим бўлса, ўзининг соҳасидаги эркакка нисбатан буюк ишларни амалга оширади. Умматимиз ўтмишда буни уйддалаган. Ҳозир ҳам қила олади. Бу иш қийин, аммо имконсиз эмас. Баъзан қизларимизнинг қуролли тўқнашувлар бўлаётган жойларга шаҳид бўлиш учун боришни хоҳлашлари ҳақида эшитиб қоламиз. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, барча учун энг қийин нарса жон беришдир. Бу ишни бажаришни хоҳлайдиган қизлар бўлганида, нега Абу Ҳанифа изидан борадиган қизлар бўлмасин? Албатта, бўлади. Бу иш қизларимиз шуни хоҳлашлари ва талаб этилган ғайратни кўрсатишлари билангина амалга ошади. Уч-тўртта ўқитувчи аёлни эмас, охиригача ўрганишга қасд қилган олима ва мураббия аёлларни назарда тутмаяпмиз.

Бу умматнинг қизлари олима ҳам бўлади, мужоҳид ҳам. Шайх ҳам бўлади, муршид ҳам. Бу васфлар фақат эркакларга эмас, ҳаққини бера оладиган ҳаммага нисбатан қўлланилиши мумкин. Ким Аллоҳга даъват қилса ва кимнидир дўзах оловидан қутқарса, Аллоҳнинг изни ила, у ўша даврнинг Мусъабига айланади. Ясрибга бориб, у ерни Ислом марказига айланишига ҳисса қўшган киши кеча нимани амалга оширган бўлса, бугунги мўмин кишининг вазифаси ҳам шундан иборат. Албатта, аёлларнинг моддий имкониятлари эркакларникига қараганда чегараланган. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда махфийлик тамойилларига асосланган қоидалар эътиборга олинади. Турмуш қурган эр-хотиннинг ўртасида ҳам маълум чекловлар бўлиши мумкин. Она бўлганда болага боғлиқ вазифалар қийинлашиши бор гап. Эркакка қиёсланганда аёл кишининг шароити оғирроқ ва тиғизроқ бўлиши эҳтимоли бор. Шунга қарамай, Аллоҳ йўлига даъват қилишда, жамиятнинг диний ҳаётини таъминловчи ишларда аёлнинг аҳамиятини пасайтиришга ҳеч қандай асос йўқ. Барча қийинчиликларга қарамай, аёлнинг қўли ва тили бу борада жуда

барокатли эканини унутмайлик. Олима аёл олим эркакдан кўра барокатли бўлиши мумкин. Фитратида мураббийлик бор аёлнинг арабча ўрганиб, уни ўргатиши, фикҳни билиб, уни татбиқ этиши, тафсир илмини ўрганишга киришиб, Қуръон илмини ихё қилиши умуман фарқ қилади.

Сўнгги асрларда биз жуда кўп нарсани йўқотдик, аммо буларнинг бари олима аёлни йўқотишнинг олдида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Бизга яна олима аёлнинг ғайрати зарур. «Олима аёл бўлиш ғайрати» деганда асло диний факультетларда ўқиб, динни касб қилиб олишни, турмушга чиқаётганда бошқалардан ажралиб туриш учун дипломли деган номга эга бўлишни тушунмаслик керак. Бугунги диний факультетлар мавжуд муҳити ва тартиб-қоидасига кўра биз кутган натижани беролмайди.

Олима аёл олим эркакларнинг ҳам юкини камайтиради. Эркакларга хос олимлик билан аёл дунёсига тегишли эҳтиёжларни тўлиқ қамраб олишнинг имкони йўқлиги аниқ. Балки шунинг учун ҳам олимларимиз «олима қиз» етиштиришни ҳатто режалаштиришдан ўзларини узоқ олишгандир. Шундоқ ҳам аёлга фитна деб қаралгани учун фитнага яна фитнани улаб юборишга журъат этишмагандир. Ҳолбуки, аёл фитна бўлса, унга қизиқиш ва у ҳақда жадал режалар тузиш эҳтиёжи ҳам ўша фитнанинг зарурати бўлиши керак эди. Бу умматнинг эркак ва аёллари бир жойда бирлашиш билангина омонликда бўлишади. Эркаклар нимага мухатоб бўлишса, аёллар ҳам шундай ҳақ-ҳуқуққа эга. Бу ҳақда қайтадан ўйлаб кўришга мажбурмиз.

Қизларимиз охири Аллоҳнинг ризоси ва жаннат бўлган илмга муҳаббат қўймоқлари лозим. Вақф ва бирлашмаларимиз ҳам энди диний илм таҳсил олаётган талабаларга стипендия ажратишни даврнинг энг катта сармойеси деб қабул қилишдан анча орқада қолганларини тушуниб етишлари керак. Уммат биринчи навбатда илмий муҳитини ташкил этадиган юзлаб олима аёлларни тайёрлашни режалаштирадиган ва ишни шариат қоидалари даражасида адо этишга интиладиган вақф ва уюшмаларга асос солиши муҳим. Минглаб эркакнинг битта олима аёлни тарбиялаш учун кечаю кундуз меҳнат қилиши, Аллоҳнинг изни ила, Истамбул фатҳ қилинган кундаги хушxabар каби самоларда акс-садо берадиган давр бўлади. Ана ўшанда аёлларимиз зиммасидаги бетартиб ишларига қарши бизнинг ҳақиқий жиҳодимиз амалга ошади. Ҳижобга ўхшаш хассос ва нозик масалаларни эркаклар шарҳлашига эҳтиёж қолмай, ёш олима аёллар томонидан тушунтирилганида, ҳатто олима қизлар бу каби масалаларни ўзаро илмий мунозараларда гаплашиб, асарлар ёзишганида, фатҳнинг

яқинлашганига умид қилсак бўлади.

Булар хаёлий нарсалар эмас. Бу бажарилиши зарур ёки бажартиришга мажбур бўлган вазифалардир. Бу ишнинг қийинлиги ундан қочиш учун сабаб бўлолмайди. Жон бериб, шаҳид бўлиш ҳам оғир, аммо биз унга толиб бўлиб интиламиз. Мажбуриятларимиз қийинлиги учун ҳам жаннат арзон эмас.

Зарур олима аёллар билан таъминлаш ва бу умматнинг ичидан – Миср, Туркия, Сомали, Суриядан юзлаб мужтаҳида олималарни етиштириш, албатта, унча осон эмас. Лекин шу билан бирга у ошиб ўтилиши қийин доvon эмас. Аллоҳ таолонинг марҳамати билан бу борада олиб борилган ишлар қисқа муддат ичида натижа беради.

Бу уммат барокатли умматдир. Умматимиз қизлари Осиё онамизга номзод қизлардир. Уларнинг ичидан олима ва мужтаҳидалар чиқади. Тарихда бунга мисоллар кўплиги учун бизнинг ташвишланишимизга ҳожат йўқ.

Бизгача етиб келган мисолларни ўрганиб чиқишнинг ўзи ҳам умидимизни оширади. Имом Суютийдек олимнинг устозлари орасида ижоза оладиган даражада дарс ўтган элликдан ортиқ аёл олималар бўлганини барча ёш қизларимиз билишлари зарур. Ибн Ҳожарнинг завжаси ва қизлари муҳаддис олим бўлганлари маълум. Имом Бухорийдан ижоза олганлар орасида юзлаб аёлларимиз бўлганини унутмаслик зарур. Эндиликда қизларимиз асрлар давомида йўқотган нарсаларига тўғри йўналтирилиши керак. Уларни илм олишга катта эҳтиёжлари бор.

Muslimaat.uz сайтидан олинди.